

**Doston Sh. MUSTAFAYEV,**  
*International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctoral student of ICESCO Department for Islamic  
Studies and Islamic Civilization.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [mcdos@inbox.ru](mailto:mcdos@inbox.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/4

**“ХОШИЯ АЛА АЛ-КАШШОФ”  
АСАРИНИНГ ТАФСИРШУНОСЛИКДАГИ  
АҲАМИЯТИ**

**THE SIGNIFICANCE OF “HASHIYA ‘ALA  
AL-KASHSHAF” IN TAFSIR STUDIES**

**ЗНАЧЕНИЕ “ХАШИЯ АЛА  
АЛЬ-КАШШАФ” В ТАФСИРОВЕДЕНИИ**

**КИРИШ**

Ислом илмлари шакллана бошланган илк даврларда тафсир ҳадиснинг ажралмас қисми сифатида ҳадис тўпламларида қайд этилиб, авлоддан-авлодга етказилган бўлса, X асрдан бошлаб, Қуръон оятлари тўлиқ шарҳланган асарлар битилди. XI–XII асрларда эса Қуръон тафсирларидан раъй-ижтиҳод кенг ўрин эгаллади.

Саккокийнинг (ваф. 626/1229) балоғат илмига оид янгича услуб ва тамойиллар билан бойитилган “Мифтоҳ ал-улум” асари ёзилганидан сўнг араб адабиёти ва Қуръони карим ибораларига нисбатан янгича ёндашув имкони пайдо бўлди. Ушбу асарни араб тили грамматикаси ва балоғат илми нуқтаи назаридан чуқур ўрганган уламолар Қуръони карим иборалари ва араб адабиёти намуналаридан илмий, шу билан бирга, нафис маънолар чиқаришга, қолаверса, илмий фикр-мулоҳазаларини далиллаш ва мунозара вақтида уларни ҳимоя қилиш малакасига эга бўлдилар. Мазкур олимлар қаторида Азудуддин Ийжий, Саъдуддин Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний каби олимларни санаб ўтиш мумкин. Хусусан, Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирига ёзилган аксар шарҳ ва хошиялар ҳам “Мифтоҳ ал-улум” асарининг кенг миқёсда ўрганилишидан сўнг ёзила бошлади. Мазкур қарашнинг тасдиғини Журжоний хошияси мисолида кўриш мумкин. Олим бир қанча ўринларда Замахшарийнинг сўзини ойдинлаштириш учун Саккокийнинг Мифтоҳ асаридан иқтибослар келтиради (Саййид Шариф Журжоний, 2016).

Марокашлик тадқиқотчи Рашид ибн Умар Аърозий Журжонийнинг Замахшарий ҳақидаги фикрларини ёритиб, бундай дейди: “Саййид Шариф Журжонийнинг “Мутаввал”га ёзган хошиясини ўрганиш давомида олимнинг қуйидаги сўзларига дуч келдим: “Аллоҳга қасамки, Жоруллоҳ (Замахшарий) тилшунослик услубларида дақиқ назари билан шухрат қозонди, унга доир фанларда Замахшарийдан илмлироқ киши йўқ. У ўзидан кейингиларга тилшунослик фойдалари дастурхонини ёзиб қўйди. У дастурхондан ейдилар-у, аммо тўлиқ камраб ололмайдилар”. Бу сўзларни ўқигач, Журжонийнинг наздида Замахшарийнинг даражасини англадим ва ана шу фойдаларга эришиш мақсадида унинг “Кашшоф”га ёзган хошиясини ўрганишга қарор қилдим” (Саййид Шариф Журжоний, 2016).

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Мазкур хошиянинг аҳамияти шундаки, Журжоний Замахшарийнинг тафсиридан тушунилиш қийин ва изоҳталаб ўринларни шарҳлаб, мусаннифнинг мақсадини, у қўллаган тил ва балоғат қоидаларини очиқлаб ўтган. Ушбу хулосани асарнинг Малик Сауд университети кутубхонасида №5111 рақам билан сақланаётган, 973/1566 йилда кўчирилган нусханинг колофон қисмида келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “Ушбулар Шайх, муҳаққиқ, моҳир олим, мудаққиқ, мутақаддим ва мутаххир уламолар сардори Саййид Шариф Журжоний (қаддасаллоху сирраҳу) “Кашшоф”нинг мушқил ўринларини таҳқиқ этиш ва ёпиқ маъноларини очиқлаш борасида ал-Малик, ал-Фаттоҳ Зотнинг тавфиқи билан муяссар бўлганларидир” (Саййид Шариф Журжоний, Малик Сауд университети кутубхонаси, Қўлёзма. №5111).

Муаллиф Замахшарийнинг тафсирда ирода қилган маъноларини очиб беришда мавзу борасидаги унинг бошқа асарларидан иқтибослар келтиради. Бу эса хошиянинг илмий аҳамиятини кўрсатиб беради. Журжоний хошияда “Кашшоф” соҳибининг “ал-Фоиқ фи ғариб ал-ҳадис”, “Асос ал-балоға”, “ал-Муфассал” каби асарларидан иқтибослар келтиради. Масалан, Замахшарийнинг *الْحَمْدُ وَالْمَدْحُ وَأَخْوَانُ* [ал-ҳамду ва ал-мадҳу аховаан] – “ҳамд ва мадҳ сўзлари ака-ука (шерик)дир” сўзини Журжоний бундай шарҳлайди: “Яъни мазкур икки сўз маънодошир. Бунга Замахшарийнинг

**Аннотация.** Мақолада Саккокийнинг “Мифтаҳ ал-улум” асари ақлий тафсирлар ривожидида муҳим ўрин тутгани, “Кашиоф” шарҳларининг аксари мазкур асар чуқур ўрганилганидан кейин ёзила бошлагани, Тафтазоний ва Журжонийларнинг “Кашиоф”га ёзган ҳошияларида бунинг тасдиғини кўриши мумкинлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, Журжоний наздида Замахирийнинг даражаси юксак бўлгани, олим “Кашиоф”га ёзган ҳошиясида Замахирийнинг тафсирдаги услубини очиб бергани асосланган. Журжоний Замахирийнинг тафсиридан тушунилиши қийин ва изоҳталаб ўринларни шарҳлаб, мусаннифнинг мақсадини, у қўллаган тил ва балозат қоидаларини очиқлаб ўтган.

Журжоний “Ҳошия ала ал-Кашиоф” асарида тил қоидалари, лугат ва эъроб йўналишларига катта аҳамият беради. Изоҳталаб сўзларни сарф ва наҳв қоидаларига кўра изоҳлайди. Бунинг учун ҳатто араб шеърятидан далиллар келтиради. Ақоид ва ислом тушунчаси йўналишидаги масалалар борасида ҳам баҳс юритади. Қироатлар ва тажвид илмига оид тафсилотларни шарҳлайди ва айрим ўринларда “Кашиоф” соҳибини танқид қилади.

Журжоний “Кашиоф” соҳибини тафсирида қўллаган айрим жумлаларни унинг бошқа асарлари воситасида очиқлаб ўтган. Масалан, ҳошияда Замахирийнинг “ал-Фоиқ”, “ал-Муфассал”, “Асос ал-балоза” каби асарларидан манба сифатида фойдаланилган.

Хулоса қисмида Журжонийнинг мазкур ҳошияси Мовароуннаҳрда ёзилган бошқа тафсир асарларига хос лугат ва тил қоидаларининг устуворлиги анъанасини ўзида аке эттирган муҳим манбалар қаторидан ўрин олгани ва асрлар давомида сунний тафсирлар қаторида ўрганиб келинаётгани таъкидланган.

**Калим сўзлар:** Мифтаҳ ал-улум, темурийлар, Журжоний, Замахирий, Кашиоф, араб тили, қироат, тажвид, имон таърифи.

**Abstract.** In the introduction, it is stated that Sakkaki's work “Miftah al-Ulum” played an important role in the development of tafsir studies, that most of the commentaries of “al-Kashshaf” began to be written after the in-depth study of this work, and this can be seen in the hashiyas written by Taftazani and Jurjani on “al-Kashshaf”.

At the same time, it is substantiated that Zamakhshari's level was high in Jurjani's eyes, and the scholar revealed Zamakhshari's style of interpretation in his essay to “al-Kashshaf”. Jurjani explained the difficult to understand passages of Zamakhshari's tafsir and clarified the author's purpose, the rules of language and rhetoric used by him.

In “Hashiya ala al-Kashshaf”, Jurjani attaches great importance to language rules, vocabulary and directions of i'rab. He explains words according to usage and grammar rules. He even gives evidence for this from Arabic poetry. He also discusses issues related to Aqidah and the concept of Islam. He comments on the details of recitations and the science of Tajweed and criticizes the author of “al-Kashshaf” in some places.

Jurjani explained some of the sentences used by the author of “al-Kashshaf” through his other works. For example, Zamakhshari's works such as “al-Faiq”, “al-Mufassal”, “Asas al-balagha” were used as sources.

In the conclusion, it is noted that “Hashiyah ‘ala al-Kashshaf” is one of the important sources that reflects the tradition of vocabulary and language rules typical of other exegetical works written in Mawarannahr, and has been studied among Sunni tafsirs for centuries.

**Keywords:** Miftah al-Ulum, Timurids, Jurjani, Zamakhshari, Kashshaf, arabic language, recitation, tajweed, definition of faith.

**Аннотация.** В статье указывается, что труд Саккаки “Мифтаҳ аль-Улум” сыграл важную роль в развитии тафсироведения, и большинство комментариев “Кашиаф” были написаны после углубленного изучения этого труда. А труды Джурджани и Тафтазани являются доказательством вышесказанному. Для Джурджани авторитет Замахиари был непререкаем, он исследовал методы работы Замахиари с тафсирами в его хашиях к произведению “Кашиаф”. Джурджани объяснил трудные для понимания отрывки тафсира Замахиари и разъяснил цель автора, а также стилистику речи и приёмы искусства балага которые он использовал.

В “Хашия ала аль-Кашиаф” Джурджани большое значение придает грамматическим правилам, лексике и синтаксису, он объясняет слова в соответствии с правилами их употребления и грамматики. Он даже приводит доказательства этого из арабской поэзии, обсуждает вопросы, связанные с акидой и концепцией ислама. Он комментирует особенности декламации, науки о таджвиде и в некоторых местах подвергает критике автора “Кашиафа”.

Джурджани разъяснил в своем комментарии некоторые фразы, использованные автором “Кашиафа” в других своих произведениях. Например, в качестве источников им были использованы такие произведения Замахиари, как “Аль-Файк”, “Аль-Муфассал”, “Асас аль-балага”.

В заключении отмечается, что “Хашия ала аль-Кашиаф” является одним из важных источников, отражающих традицию приоритетности лексики и грамматических правил, характерных для других произведений, написанных в Мавераннахре, и в течение столетий был предметом изучения наряду с другими суннитскими тафсирами.

**Ключевые слова:** Мифтаҳ аль-Улум, тимуриды, Джурджани, Замахиари, Кашиаф, арабский язык, декламация, таджвид, определение веры.

“Фоиқ” асарида зикр қилган: “Ҳамд бу мадх ва гўзал нарса билан васфлашдир”, деган сўзи далолат қилади” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:173).

Бошқа бир ўринда Фотиҳа сурасидаги **“Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат сендангина ёрдам сўраймиз”** (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2020:7) ояти тафсирида Замахшарий савол сўровчи тилидан: “Нима учун ғойиб сийғадан хитоб сийғасига ўтди?” саволини зикр қилиб, “Буни баён илмида илтифот деб номланади. Гоҳида ғойиб сийғадан хитоб сийғасига, гоҳида бунинг аксига ўтилади”, деб жавоб беради. Журжоний “Замахшарий бу ўринда баён илмидан “ал-Муфассал” асари муқаддимасида зикр қилганидек, учта илм (баён, маоний, бадийъ)ни назарда тутган” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:207), деб мусанниф баён илмидан назарда тутган маънони очиклайди.

Саййид Шариф Журжоний Замахшарийнинг тафсирига ёзган ушбу ҳошиясида тил қоидалари, луғат ва эъроб йўналишларига катта аҳамият беради. Изоҳталаб сўзларни сарф ва наҳв қоидаларига кўра изоҳлайди. Бунинг учун ҳатто араб шеърятдан далиллар келтиради. Ақоид ва ислом тушунчаси йўналишидаги масалалар борасида ҳам баҳс юритади. Қироатлар ва тажвид илмига оид тафсилотларни шарҳлайди ва айрим ўринларда “Ал-Кашшоф” соҳибини танқид қилади.

“Ҳошия ала ал-Кашшоф” асарида сўзларининг луғавий маъноларига катта эътибор қаратилиб, уларнинг асосини Қуръонда келган сўзлар, Қуръон илмлари истилоҳлари, араб шеърларида қўлланилган ғариб сўзлар ёки Замахшарийнинг тафсирида қўлланилган сўзлар ташкил этади. Жумладан, Замахшарийнинг **الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ الْقُرْآنَ كَلِمًا مُؤَلَّفًا مُنْتَظَمًا** [ал-ҳамду лиллаҳиллаҳизий анзалал-Қуръана калааман муаллафан муназзаман] – “Қуръонни жамланган ва тартиб этилган калом ўлароқ нозил қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин” жумласини шарҳлар экан “Қуръон” сўзининг луғавий маъноларини ёритишга киришади. “Қуръон (قُرْآن) сўзи луғатда “тўпламоқ”, “жамламоқ” маъносидаги масдар ҳисобланади. Араб тилида “Бир нарсани жамладим” маъносини ифодалаш учун **قَرَأْتُ الشَّيْءَ قُرْآنًا** [қоробту-ш-шайъа қуръанан] дейилади. Шунингдек, мазкур сўз “ўқимоқ” маъносида ҳам қўлланади. “Китобни ўқидим” жумласи араб тилида **قَرَأْتُ الْكِتَابَ قِرَاءَةً وَ قُرْآنًا**

ва қуръанан] тарзида ифодаланади. Араб тилидаги мазкур маъно кейинроқ Пайғамбар (алайҳиссалом)га нозил этилган, у зотдан мутавотир тарзда нақл этилган ҳамда икки жилд орасига жамланган нарса (Қуръон)га исм сифатида қўлланди. Бу ўринда Қуръондан мақсад ҳам шу маънодир. Унинг барча қисми Қуръон деб номлангани каби у билан умумий хусусиятларга эга бўлган қисмлар ҳам Қуръон деб номланади” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:81).

Журжоний мазкур жумладаги “калом” сўзининг луғавий маъносини баён этганидан сўнг бу сўзнинг усул ва наҳв мутахассислари наздидаги таърифларини ёритади. Баъзи усул олимларига кўра, “Калом эшитилувчи ва ҳарфлардан ташкил топган сўзлар жамланмасидир”. Наҳв олимлари таърифига кўра эса, “тугал маъно ифода этувчи сўз” ҳисобланади. Журжоний Замахшарий бу ўринда қўллаган “калом” лафзи усул олимлари таърифидаги калом эканини таъкидлайди.

Журжоний Замахшарий келтирган **مَوْلَانَا** [муаллафан] – “жамланган” сўзини бундай ёритади: “Таълиф бир-бирига ўхшаш нарсаларни жамламоқ демакдир. Бу сўзнинг “улфат” сўздан келиб чиққани ҳам бу маънога ишора қилади. Демак, ушбу сўз маъноси муфрад калима ва жумлалардан таркиб топган мутлақ таркибни англатади”.

**مُنَظَّمًا** [муназзаман] сўзининг изоҳида эса бундай дейди: “Танзим маъноси таълиф маъносидан бирмунча кучлидир. Чунки танзим **نُظْمَ اللُّؤْلُؤِ** [нуззима-л-луълуъу] – “дур бир текис қилиб тизилди” жумласидаги маънодан олинган. Бунда нафақат сўзларнинг жинс жиҳатидан бир-бирига мувофиқлиги, балки гўзал бир тартибга ҳам риоя этилади. Бу (Замахшарий келтирган) ўринда танзимдан мақсад (Қуръон оятларининг) ҳолат тақозоси ва мақсадларга уйғун эканлиги билан бир қаторда таркибининг гўзаллиги ҳам тушунилади” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:84).

Замахшарийнинг **وَنَزَّلَهُ بِحَسَبِ مَصَالِحِ مُنْجَمًا** [ва наззалаҳу биҳасаби масолиҳи мунажжаман] жумласидаги “мунажжаман” сўзи маъносини олим бундай ёритади: «“Мунажжаман” эҳтиёжга кўра бўлак-бўлак этилган, демакдир. “Нажм” аслида юлдуз маъносини англатади. Кейинчалик маълум бир вақт учун қўлланган. Чунки инсонларнинг вақтлари юлдузлар орқали тайин этилар эди. Бирор бир ёзув ёзиш учун кетган вақтга ҳам **نُجُومُ الْكِتَابَةِ** [нужуму-л-китоба] дейилди.

Кейинчалик бу вақт ичида бажарилган ишга ҳам “нажм” дейилди. Сўнг, ушбу масдардан نَجْمٌ [нажжама] – “таксимламоқ”, “бир неча уринишда бажармоқ” феъли чиқариб олинди» (Саййид Шариф Журжоний, 2016:84). Замонавий “улум ал-Қуръон” асарларида ҳам Қуръоннинг йигирма уч йил давомида воқеа-ҳодисаларга кўра бўлак-бўлак нозил этилиши маъносини ифодалаш учун ҳам مُنَجَّمًا [мунажжаман] сўзи қўлланади (Нуриддин Итр, 1996:28).

Журжоний Фотиҳа сурасининг хошиясини ёзишга киришаркан, فَاتِحَةُ الْكِتَابِ [фотиҳа ал-китоб] иборасидаги “фотиҳа” сўзини қуйидагича ифодалайди: “Бир нарсанинг очувчиси унинг аввали демакдир. كَاذِبَةٌ [козиба] сўзи كَذِبٌ [кизб] – “ёлгон сўзламоқ” маъносини англатгани каби “фотиҳа” сўзи ҳам فَتَحَ [фатх] – “очмоқ” маъносидаги масдардир. Демак, мафъулга масдар билан ном бериш орқали ҳар бир нарсанинг аввали тушунилади. Чунки очиш аввало нарсанинг аввалига боғлиқ бўлади. Унинг воситасида бутун нарсага боғлиқлик касб этади. Илк очилган нарса дастлабки қисмдир. Бошқа бир қарашга кўра, “фотиҳа” сўзи сифат бўлиб, кейинчалик бир нарсанинг аввалига нисбатан исм сифатида қўлланган. Чунки очиш бутун бир нарсага аввалги қисмининг воситаси орқали боғлиқлик касб этади. Яъни, у очишга сабаб бўлган нарса эътиборида бўлади. نَاطِقَةٌ [натийҳа] сўзидаги каби сифатдан исм маъносига кўчганига аломат бўлиши учун сўз охирига ة [та марбута] ҳарфи қўшилган. Тўғри қараш ҳам шудир. Чунки فَاعِلَةٌ [фоъилатун] вазни масдар вазифасида жуда оз қўлланади”.

Олим الْكِتَابِ [ал-китоб] сўзини ҳам қуйидагича изоҳлайди: “الْكِتَابِ [ал-китоб] Қуръон каби ҳам нозил этилган, ҳам саҳифаларга ёзилган нарсаларнинг барчаси учун, ҳам бунга махсус парчалар орасидаги муштарак миқдорга мутлак қўлланувчи сўз. فَاتِحَةُ الْكِتَابِ [фотиҳа ал-китоб] – “китобнинг аввали” демакдир. Бу ном кейинчалик “ал-Ҳамду” сурасининг хос номи бўлди. Баъзида бу сурага нисбатан “ал-Фотиҳа”, дейилади. Бу ном ҳам юқоридаги каби кўп қўлланишига кўра, бошқа бир хос исмга айланди. Бу шаклда “ал” аниқлик артикли сўзнинг айрилмас бир қисми ёки “Фотиҳа ал-китоб”нинг қисқартирилган шаклидир. Бу шаклда ҳам “ал” артикли музофун илайҳнинг аломати ҳисобланади. Шу билан бирга, сўзнинг аслида сифат эканига ҳам ишора қилиб туради” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:127).

Ҳошиядаги яна бир устувор услуб Қуръон оятлари ҳамда Замахшарийнинг тафсирда келтирилган жумлаларини наҳв (эъроб) жиҳатидан ўрганиш ва уларнинг маъноларини очиқлашдир. Журжонийнинг араб тили борасидаги маҳорати тафсирда ҳам яққол акс этади. Жумладан, Бақара сураси 3-оятдаги الدِّينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ – “Улар ғайбга имон келтирурлар...” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2020:15) оятининг тафсирида Замахшарий بِالْغَيْبِ [бил-ғайб] калимасини боғловчи ҳамда ҳол сифатида тафсир этади. Журжоний буни яна ҳам тушунарлироқ қилиб очиб беради. بِالْغَيْبِ [бил-ғайб] калимасининг боғловчи ёки ҳол бўлишига кўра маънода фарқлар юзага келишини айтади. Биринчисига кўра, яъни сўзга боғловчи деб қаралса, ундан “имон” ёки “эътироф” маъноси келиб чиқади ёхуд “ишонмоқ” маъносида қўлланган бўлиши ҳам мумкин. Маъно эътиборидан ғойиблик имон келтирилган нарсанинг сифати бўлиши мумкин. Бунга кўра маъно, “ўзларидан ғойибда бўлган нарсаларга имон келтирилганлар” шаклида бўлади. Иккинчисига кўра, яъни ҳол сифатида тафсир этилса, “имон”, “эътироф” маъноларини англатмайди, балки фақатгина тасдиқ маъносини англатади. Бу ҳолатда ғойиблик мўмин кишининг сифати ҳисобланади. Имон келтирилиши лозим нарса эса умумий тарзда ифода этилиши учун тушуриб қолдирилган этилган. Бунга кўра, иборанинг маъноси: “Кимнингдир ҳузурда имон келтирилганлари каби, ҳеч ким йўқлигида ҳам имон келтирадилар. Мунофиқлар каби кимнингдир ҳузурда бошқа, ёлғиз қолсалар, бошқа бўлмайдилар” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:332).

Шунингдек, Бақара сураси 23-оятдаги فَأَتُوا بُسُورَةَ مِّنْ مِّثْلِهِ – “унга ўхшаш бир сура келтиринг” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2020:26) оятини Замахшарий: “Унинг сифатига ўхшаган бир сура келтиринг”, деб тафсир қилган. Журжоний буни грамматик қоидаларга кўра қуйидагича очиқлайди. “Зоҳир нарса шуки, оятдаги مِّنْ [мин] предлоги баёний (сўз маъносини баён қилувчи) ҳисобланади. Зеро, ўхшашлик сифати келтирилиши лозим бўлган суранинг сифати бўлиши учун (унинг айнан шундай бўлиши даркордир)” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:548).

Ҳошияда Қуръон илмлари йўналишидаги айрим изоҳлар ҳам зикр этилади. Хусусан, Қуръон суралари тартиби ҳақида Журжоний уларнинг

илохий асосга кўра тартибланганини таъкидлайди. Бу эса аҳли сунна вал жамоа уламолари иттифоқ қилган ҳукмдир. Журжоний Замахшарийнинг وَجَعَلَهُ مُتَقَدِّمًا بِالتَّحْمِيدِ مُؤْتَبَرًا وَبِالِشَّعَادَةِ مُخْتَمِمًا [ва жаъалаху бит-тахмиди муфтатихан ва бил-истиозати мухтамиман] – “Ва Қуръонни ҳамд билан бошлади ва истиоза билан якунлади” сўзларининг маъносини очиқларкан, бундай дейди: “جعل [жаъала] феълининг Аллоҳга нисбат берилишида Қуръоннинг бу шаклда “Лавҳул-махфуз”даги тартибга мувофиқ тартиб этилиши Аллоҳнинг амри ва Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг таълими бўлганига ишора бордир” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:85). Шунингдек, олим Қуръоннинг бўлиб-бўлиб нозил этилиши ҳақида бундай дейди: “Қуръоннинг воқеа-ҳодисаларга кўра парча-парча нозил этилиши унинг ҳукмларининг татбиқ этилиши ва оятлар назмидаги дақиқликни тушунишни осонлаштириш учундир” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:87).

“Кашшоф” асарининг бир неча ўринларда Замахшарий турли қироатларнинг хусусиятлари ҳақида ҳам зикр этиб ўтади. Бу каби ўринларда Журжоний қироатларга тегишли кўшимча маълумотлар ва улар ўртасида юзага келган фарқларни ёритиб беради. Маълумки, Замахшарий ҳанафий мазҳабида бўлган. Шунга мувофиқ тафсирининг бир неча ўринларида мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифанинг фикҳий ва қироатга оид қарашларини келтиради. Жумладан, Фотиҳа сураси 3-ояти тафсирида: “Абу Ҳанифа розияллоху анху يَوْمَ الْمَلِكِ [малака йавмад-дийн] тарзида феъл шаклида ва يَوْمَ [йавм] сўзини насб қилиб ўқиган” дейди. Журжоний ушбу маълумотни шарҳлар экан Абу Ҳанифанинг қироати الْمَلِكِ [ал-маалик] ва الْمَلِكِ [ал-малик] маъноларини эҳтимол қиладиган тўғри қироат эканини таъкидлайди. Икки қироатдан الْمَلِكِ [малик] қироати кўпчилик уламолар томонидан ихтиёр этилганини айтиб, буни қуйидагича далиллайди: “Биринчидан, у икки ҳарам аҳлининг қироатидир. Улар Қуръонни нозил этилгани каби ўқишда энг муносиб кишилардир. Улар ривоят ва фасоҳат жиҳатидан бошқалардан устундирлар. Басра, Шом қорилари ва Қуфадан Ҳамза ҳам уларнинг қироатига мувофиқ ўқиганлар” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:192).

Замахшарий: (Фотиҳа сурасидаги) “غَيْرِ” [ғойр] сўзи насб ҳолатида ҳам ўқилган. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Умар ибн Хаттобнинг қироатидир. Ибн Касийрдан ҳам ривоят қилинган” дейди.

Жумла шарҳида Журжоний қироатлар ҳақидаги умумий тушунчани баён этади ва бу орқали Замахшарийнинг сўзини яна ҳам тушунарли ифодалайди. “Айтилишича, барча қироатлар у зотнинг қироатларидир. Бошқа қарашга кўра, етти қироатдан ҳар бири маълум қироат билан шуҳрат қозонганлари ва унинг аҳкомлари(ини баён қилиш)да, хусусан, уларни адо этишда ягона бўлганлари учун имомлардан бирига нисбат этилади. Ушбу етти қироатдан бошқаларида эса қироат ривояти етиб келган, аммо етти қироат соҳибларининг бирортаси у қироатни ривоят қилмаган бўлсалар, бу ҳолатда ушбу қироат Набий (с.а.в.)га нисбат берилади. Бу эса у зотнинг одатлари шундай қироат қилиш бўлган, дейишни лозим қилмайди. Бу қараш авлороқдир” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:225).

Бошқа бир ўринда Журжоний “Кашшоф” соҳибининг қироатларнинг келиб чиқиш манбаси ҳақидаги ёндашувини танқид қилади. Замахшарий Фотиҳа сураси тафсирида “Ҳасан Басрий الرَّحْمَنُ لِلَّهِ [ал-ҳамди лиллоҳ] тарзида, Иброҳим ибн Убла الرَّحْمَنُ لِلَّهِ [ал-ҳамду луллоҳ] тарзида қироат қилган. У иккисини бундай қироат қилишга жасоратли қилган омил шуки, мазкур икки сўз ёнма-ён кўп ишлатилганидан бир сўз каби талаффуз қилинадиган бўлиб кетган”, дейди. Журжоний мусаннифнинг айнан “У иккисини бундай қироат қилишга жасоратли қилган омил шуки” жумласини шарҳлаб, “Унинг бу гапида икки олимнинг қироати ривоят асосида эмас, балки тил аҳкомларига кўра юзага келган, деган маъно бор, салафлар эса бундай нуқсонга йўл қўйишдан йироқдирлар. Салафларнинг қироати барча хусусиятлари билан ўзларига етиб келган ривоятлар асосида бўлади. Лекин мусанниф бу каби сўзлардан ўзини тиймайди. Анъом сурасида ҳам “Ибн Омирни شُرَكَائِهِمْ [шурокааихим] тарзида қироат қилишга ундаган нарса унинг баъзи мусхафларда يِ [йа] билан ёзилганини кўрганидир”, дейди. Ҳолбуки, Қуръонни етти лаҳжада ўқишга изн берилгани ҳақидаги ривоят мавжуд. Шунга кўра, ҳар бир қироат хусусиятларини нақл қилиш лозим ҳам бўлмайди. Қолаверса, мусхафга ёзиш шаклида мутавотир қироат иснодига эътибор қилинмайди...” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:185), дейди. Ушбу шарҳлар Журжонийнинг қироатлар ва уларнинг юзага келиши борасидаги қарашлари асрлар давомида аҳли суннанинг барча уламолари иттифоқ қилган қарашга мувофиқ эканини кўрсатади.

Асарда Замахшарийнинг қироат илмига яқин бўлган тажвид қоидаларига оид изоҳлари ҳам бирма-бир шарҳланган. Жумладан, тафсирида  $\text{مِنْ رَبِّهِمْ}$  [мин роббиҳим] иборасидаги  $\text{ن}$  [нун] ва  $\text{و}$  [ро] гунна билан ҳам, гуннасиз ҳам идғом қилиниши айтилади. Журжоний буни шарҳлаб, қорилар наздида  $\text{ل}$  [лам] ва  $\text{و}$  [ро] ҳарфларида гунна бўлмаслиги машҳур экани, бу ҳарфларда гунна бўлиши ҳақидаги баъзи ривоятлар ҳам мавжудлиги, араб тили нуқтаи назаридан эса гуннасиз ўқишнинг жоизлигида низо йўқлигини айтиб ўтади (Саййид Шариф Журжоний, 2016:375). Шунингдек, хошияда  $\text{الله}$  [Аллоҳ] лафзидаги  $\text{ل}$  [лам] ҳарфининг тафҳим, яъни йўғон тарзда ўқилиши, Фотиҳа сурасидаги  $\text{صِرَاط}$  [сирот] сўзидаги  $\text{ص}$  [сод] ҳарфи аслида  $\text{س}$  [сийн] ҳарфи бўлгани, вақфнинг том ва ҳасан турлари, араб ҳарфларининг сифатлари каби тажвид илмига оид бир қанча қайдлар келтирилган.

“Кашшоф”да “басмала” лафзининг Қуръондан оят ёки оят эмаслиги, “омийн” лафзини жаҳрий ёки махфий айтиш каби фикҳий масалалар ҳам зикр этилган бўлиб, Журжоний уларни тафсилотлари билан шарҳлаб ўтади. Хусусан, Замахшарий келтирган Воил ибн Хужрдан ривоят қилинган ҳадис матнида “Набий (с.а.в.)  $\text{وَلَا الضَّالِّيْنَ}$  [ва лаа-ззоооолийн]ни қироат қилсалар, овозларини кўтариб, “омийн” дер эдилар” дейилади, Журжоний “У зот саҳобаларига таълим учун овозларини кўтарганлар, кейинчалик буни махфий айтганлар, саҳобалар ҳам махфий айтишган” нақлини келтириш билан шарҳни тугаллайди. Бу орқали эса гўё ўзи мансуб бўлган ҳанафий мазҳаби ҳукмини ёқлашни билдиради.

## МУҲОКАМА

Журжоний хошияда мўътазилийлик эътиқодига кўра ёритилган жумлалар ортидан, албатта, аҳли сунна эътиқодини ҳам баён қилиб ўтади. “Кашшоф” соҳиби  $\text{الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ}$  – “Улар ғайбга имон келтирурлар” ояти тафсирида имоннинг луғавий таърифини қуйидагича зикр этади: “Имон  $\text{أَمْن}$  [амн] – “омонлик, хавфсизлик, хотиржамлик” сўзининг  $\text{إِفْعَال}$  [ифъал] вазнидаги шаклидир... Агар киши бирор нарсани тасдиқласа, унга имон келтирган ҳисобланади. Унинг ҳақиқати эса “уни ёлғонга чиқариш ва қарама-қаршилиқдан омонда қилдим”, деган маънодадир. Ушбу сўзнинг  $\text{ب}$  [ба] ҳарфи билан таъдия (ўтимли) қилиниши “икрор қиламан”, “эътироф этаман” деган маънони

англатгани учундир. Саййид Шариф ушбу маттни шарҳлаб шундай дейди: «Замахшарийнинг “Имон”  $\text{أَمْن}$  [амн] – “омонлик, хавфсизлик, хотиржамлик” сўзининг  $\text{إِفْعَال}$  [ифъал] вазнидаги шаклидир» деган сўзига келсак, у битта мафъул (тўлдирувчи)га таъсир қилади. Масалан, “Ундан омонда бўлдим” дейсиз. Агар унга ҳамза қўшилса, яъни  $\text{أَمَّنَ}$  [аамана] бўлса, иккита мафъулга таъсир қилади. Масалан, “Ўзимдан бошқани ундан омонда қилдим”. “Имон” сўзи тасдиқ маъносида луғавий мажоз бўлиб қўлланади. Бунга Замахшарийнинг “Унинг ҳақиқати”, яъни  $\text{أَمَّنَ}$  [аамана] сўзининг ҳақиқати  $\text{صَدَّقَ}$  [соддақо] – “тасдиқлади”, деган сўзи ишора қилади. Яъни “имон” бир шахсни омонда қиладиган ҳақиқатдир. Агар мутлақ қўлланса, “тасдиқ” маъносида бўлади. Чунки сиз бирор нарсани тасдиқласангиз, уни ёлғонга чиқаришдан омонда сақлаган бўласиз” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:329).

Шу билан бирга, мазкур оят тафсирида Замахшарий имонга шундай таъриф беради: “Агар сиз: “Саҳиҳ имон нима?”, – десангиз, мен: “Кишининг ҳаққа эътиқод қилиши, уни тили билан таъбир этиши ва амали билан тасдиқлаши, дейман. Ким эътиқодни инкор этса, гувоҳлик келтириб, амал қилса ҳам, у мунофиқдир. Ким гувоҳлик келтиришни тарк этса, у кофирдир. Ким амални тарк этса, у фосиқдир”. Журжоний ушбу жумлаларни шарҳлаб бундай дейди: “Мусаннифнинг “Саҳиҳ имон нима?” деган сўзи шаръий имон ҳақидаги саволдир. Зеро, у имоннинг луғавий маъносини баён этганидан сўнг уни “саҳиҳ” сўзи билан қайдлади. Яъни бу билан шаръан эътиборга олинадиган имонни назарда тутди. Қолаверса, бу сўзи билан фосиқнинг имони (ҳам у баён этадиган таъриф остига кириб қолиши)дан сақланди. Замахшарийнинг “ҳаққа эътиқод қилиш” деган сўзи ҳақни жазм қилиш ва қалб билан унга итоат этиш, маъносидадир. Бу Ашъарий ва унинг издошлари имон борасида кифояланган тасдиқнинг маъносидир. Ҳанафийлар (тил билан) иқрор қилишни ҳукмларни ижро этиш ўрни деб белгилаганлар. Ашъарийлар эса тасдиқ ва иқрорни имоннинг икки жузи деб белгилаганлар. (Уларга кўра,) иқрор мажбурилик ҳолатида соқит бўлиши мумкин, аммо тасдиқда бундай эмас (яъни тасдиқ ҳеч қачон соқит бўлмайди). Мўътазилийлар амални ҳам зиёда қилганлар”.

“Кашшоф” соҳиби “Ким гувоҳлик беришни бузса, яъни гувоҳлик беришни ёхуд унинг ўрнига ўтадиган соқовнинг ишора қилиши кабиларни қодир бўла туриб, қасддан тарк этса, эътиқод қилиши ёки қилмаслигидан қатъи назар, у кофирдир, яъни мунофиқнинг хилофи ўлароқ куфрини ошқор қилувчидир. Зеро, мунофиқ имон суратини куфр ҳақиқатига қориштирган кишидир. У куфрини яширган кофирдир. Фосик, яъни тавба қилмаган гуноҳи кабира қилувчи эса мўътазилийлар наздида имон ва куфр ўртасидаги бир мартабада бўлади”, дейди. Журжоний фосик, яъни гуноҳи кабирага қўл урган инсон ҳақидаги қарашлар муқобилида аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодини ёритиб беради: “Ўтмишдаги солиҳлар бундай кишининг мўмин эканига иттифоқ қилганлар. Зеро, бунга саҳиҳ ҳадислар далолат қилади. Ўтмишдошлардан нақл қилинган имон қалбнинг маърифати, тилнинг иқрори ва (ислом) рукнларига амал қилишдир деган сўз комил имон ҳақида айтилгандир” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:335). Журжоний ушбу изоҳлар орқали бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолаётган, амал қилмаганларни кофирга чиқариш натижасида юзага келаётган муаммоларнинг суннийлик эътиқодидаги ечимини тақдим этади.

Саййид Шариф Журжоний “Кашшоф”нинг яна бир қанча ўринларида Замахшарий назарда тутган маъноларни ўқувчига тушунарли тарзда баён қилиб беради. Замахшарийнинг “Иброҳим алайҳиссаломдан содир бўлган учта ёлғонга келсак, у таърийз учундир” сўзи оддий ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолмаслиги учун Журжоний бу учта ёлғондан нима назарда тутилганини очиқлайди: Иброҳим алайҳиссалом оятда **إِنِّي سَقِيمٌ** [инний сақийм] – **“Албатта, мен беморман”** (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2020:130) деган сўздан “Мен бутларни олиха қилиб олганингиз учун ғазаб ва куйинишдан касал бўлдим”, деган маънони назарда тутган бўлишлари мумкин. Ёки Анбиё сураси 63-оятдаги **“Йўқ, буни манави, у (олиха) ларнинг каттаси қилди”** (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2020:632), сўзи билан агар улар ўзларидан зарарни даф эта олмасалар, қандай қилиб илоҳ бўлишлари мумкин, деган нарсани ирода қилганлар. Ёки Шом ҳукмдорига “Сора менинг синглим”, дейишларидан диндаги қариндошликни назарда тутган бўлишлари мумкин. Яна айтилишича, у зотнинг учта ёлғонидан мурод, юлдуз, Қуёш ва ойга қараб **هَذَا رَبِّي** [ҳазаа Роббий] – **“Мана бу Роббимдир”**

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2020:209), дейишларидир. Ундан эса уларнинг илоҳликка яроқли эмаслигини мақсад қилганлар. Бу хабарларнинг барчаси ишончли, лекин ёлғон суратида бўлгани учун (Замахшарий уларни) “ёлғонлар”, деб номлаган” (Саййид Шариф Журжоний, 2016:335).

## НАТИЖА

Юқоридагилар билан бир қаторда, хошияда Амир Темур ҳузурида Журжоний ва Тафтазоний ўртасида бўлиб ўтган машҳур баҳс тафсилотлари, Қуръоннинг махлуқлиги масаласида мўътазила мазҳабининг далилларига изоҳлар, саҳобий Сафвон ибн Умайянинг исломни қабул қилиш қиссаси, ғассонийлар ҳукмдори Жабла ибн Айҳамнинг султон Умар даврида исломни қабул қилиб, кейинчалик Рум давлати билан иттифоқ тузиб, насронийликни қабул қилгани каби ислом тарихи, балоғат, калом илмига оид маълумотлар келтирилган.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарида Журжоний фақат Фотиҳа ва Бақара суралари тафсири хошияси билан кифояланмаган. Шарҳлар давомида Қуръони каримнинг Оли Имрон, Моида, Анъом, Ҳижр, Худ, Тоҳа, Лукмон, Соффот, Фуссилат, Зумар, Ғофир, Тағобун, Қалам, Набаъ, Алақ каби йигирмага яқин сураларнинг оятлари тафсирларини ҳам зикр қилган (Саййид Шариф Журжоний, 2016:128–410).

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Журжонийнинг мазкур хошияси луғат, араб тили, балоғат, калом илми, қироатлар ва тажвид йўналишидаги қарашларга бой бўлган асар ҳисобланади. Айнан мана шу хусусиятлар темурийлар даврида ёзилган тафсирларни бирлаштириб туради.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асари Бақара сураси 25-ояти тафсиригача бўлган маълумотларни қамраб олган бўлса-да, ҳажм ва мавзулар кўлами жиҳатидан йирик асар саналади. Фаразан, олим хошияни “Кашшоф” тафсирининг охирига қадар давом эттирганида ҳам, тахминан эллик жилд хошия ёзилган бўлар эди. Фикримизча, Журжонийнинг хошияни ёзишдан мақсади, юқорида ҳам таъкидланганидек, Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсиридаги услуб ва ёндашувларини, хусусан, унинг араб тили грамматикаси нуктаи

назаридан оятларни тушуниш методини очиб беришдан иборат бўлган. Олим Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг дастлабки йигирма беш ояти тафсирини ёритиш орқали ўзини қўйилган мақсадга эришган деб ҳисоблаган бўлиши мумкин.

Журжонийнинг ҳошияси “Кашшоф” ва Мовароуннаҳрда ёзилган бошқа тафсир асарларига хос бўлган луғат ва тил қоидаларининг устуворлиги анъанасини ўзида акс эттирган муҳим манбалар қаторидан ўрин олди ва асрлар давомида нафақат мазкур ҳудуд, балки бутун дунёда сунний таълимотига оид тафсирлар қаторида ўрганиб келинмоқда.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Sedriddin Gumuş. (1993). Curcani ve Haşiye alal-Keşşafi. Istanbul: Marmara universitesi İlahiyet fakultesi dergisi.
2. Али Ҳикмат Фозил. (2019). Ал-Баҳс ад-дилалий фи хошия ас-Саййид аш-Шариф ал-Журжоний ала ал-Кашшоф. Уммон: Дор ал-манаҳиж.
3. Маҳмуд Замахшарий. (1971). Ал-Фоиқ. Ж. 2. Нашриёт кўрсатилмаган.
4. Маҳмуд Замахшарийб. (2004). Ал-Муфассал. Аммон: Дор ал-аммор.
5. Нуриддин Итр. (1996). Улум ал-Қуръон ал-карим. Дамашқ: Матба ас-сабоҳ.
6. Саййид Шариф Журжоний. (2016). Ҳошия ала ал-Кашшоф. Рашид ибн Умар Арозий таҳқиқи. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
7. Саййид Шариф Журжоний. (йили кўрсатилмаган). Ҳошия ала ал-Кашшоф. Саудовская Аравия: Малик Сауд университети кутубхонаси, Қўлёзма. №5111.
8. Саййид Шариф Журжонийв. (2016.). Рашид ибн Умар Арозий таҳқиқи. Ҳошия ала ал-Кашшоф. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2020). Тафсири Ҳилол. Ж. 1. Тошкент: Hilol-Nashr.
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2020). Тафсири Ҳилол. Ж. 2. Тошкент: Hilol-Nashr.
11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2020). Тафсири Ҳилол. Ж. 3. Тошкент: Hilol-Nashr.
12. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2020). Тафсири Ҳилол. Ж. 5. Тошкент: Hilol-Nashr.
3. Mahmud al-Zamakhshari. (1971). Al-Faiq. Vol. 2 publishing house is not shown.
4. Mahmud al-Zamakhshari. (2004). Al-Mufassal. Oman. Dar al-ammarr.
5. Nuriddin Itr. (1996). Ulum al-Qur'an al-karim. Damascus: Matba Al-Sabah.
6. Sayyid Sharif al-Jurjani. (2016). Hashiya ala al-Kashshaf. Rashid Ibn Umar Arazi's research. Hashiya ala al-Kashshaf. Beirut. Dar al-Kutub al-Ilmiya.
7. Sayyid Sharif Jurjani. (year is not shown). Hashiya ala al-Kashshaf. Ar-Riyad: Malik Saud University's library, handwriting. №5111.
8. Sayyid Sharif al-Jurjani. (2016). Hashiya ala al-Kashshaf. Rashid Ibn Umar Arazi's research. Beirut. Dar al-Kutub al-Ilmiya.
9. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf (2020). Tafsir Hilol. Vol. 1 Tashkent "Hilal nashr" publishing house .
10. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf (2020). Tafsir Hilol. Vol. 2 Tashkent "Hilal nashr" publishing house .
11. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf (2020). Tafsir Hilol. Vol. 3 Tashkent "Hilal nashr" publishing house.
12. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf (2020). Tafsir Hilol. Vol. 5 Tashkent "Hilal nashr" publishing house .

#### REFERENCES

1. Sedriddin Gumuş. (1993). Curcani ve Haşiye alal-Keşşafi. Istanbul: University of Marmara, journal of theology faculty.
2. Ali Hikmat Fazil. (2019). Al-bahs al-dilaliy fi hashiya al-Sayyid al-Jurjani ala al-Kashshaf. Oman: Dar al-manahij.



**Komiljon A. SHERMUKHAMMEDOV,**  
*International Islamic Academy of Uzbekistan,  
UNESCO Department for Religious Studies and  
Comparative Study of World Religions,  
Acting Associate Professor:  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [shermuhamedov@mail.ru](mailto:shermuhamedov@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/5

**МИСРДАГИ “МУСУЛМОН  
БИРОДАРЛАР” ТАЪСИРИДА  
ШАКЛЛАНГАН ЭКСТРЕМИСТИК  
ҲАРАКАТЛАР: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

**EXTREMIST MOVEMENTS FORMED  
UNDER THE INFLUENCE OF THE  
“MUSLIM BROTHERHOOD” IN EGYPT:  
A COMPARATIVE ANALYSIS**

**ЭКСТРЕМИСТСКИЕ ДВИЖЕНИЯ,  
СФОРМИРОВАННЫЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ  
“БРАТЬЕВ-МУСУЛЬМАН” В ЕГИПТЕ:  
СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ**

**КИРИШ**

XX аср охири XXI аср бошига келиб, Миср Араб Республикасида янгича геосиёсий манзара вужудга келди. 1928 йилда пайдо бўлган “Мусулмон биродарлар” каби ҳаракатлар турли геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан фойдаланган ҳолда замонавий муҳит ва шароитга мослашиб борди. Шу сабабли, мазкур ташкилот ўтган XX асрда мамлакатдаги энг таъсирчан радикал кучлардан бири сифатида фаолият юритди. Бунда Мисрдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишда ушбу феноменни назардан четда қолдирмаслик керак.

Мутахассисларнинг фикрича, XX аср ўрталарида замонавий кўринишдаги экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг юзага келишида ҳам асосан “Мусулмон биродарлар” ҳаракати томонидан илгари сурилган куйидаги ғоялар сабаб бўлди:

– ислом дини тугалланган ва барча замонларга мос бўлиб, уни давлатдан ажратиш нотабиий жараёнدير. Бошқарув фақатгина ислом тамойиллари асосида амалга оширилиши керак;

– салафи солихлар барча мусулмонлар учун намуна бўлиб, мусулмонлар ўша давр ҳаёт тарзига қайтишлари зарур;

– ислом динига асосланган ҳокимиятни бутун дунёда ўрнатиш ва барча мусулмон диёрларида султонликни тиклаш керак;

– ислом тартиб қоидаларини фақатгина “жиход” орқали ўрнатиш мумкин. Бунда ислом манфаатлари йўлида кураш олиб бориш барча мусулмонларнинг мажбурияти бўлиши лозим (Ражбадинов М. 2003).

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Мазкур тадқиқот ишида “Мусулмон биродарлар” уюшмаси асосида шаклланган диний-сиёсий ташкилотларни аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини қиёсий ўрганиш мақсадида Мисрда пайдо бўлган энг хавfli ва кенг тарқалган куйидаги оқимларнинг фаолият услублари, ташкилий тузилмаси, ғоявий асослари, йўналишлари таҳлил этилди:

1. “Шабоб Муҳаммад” (“Муҳаммад ўғлонлари”, شباب محمد) 1939 йилда “Мусулмон биродарлар” диний-сиёсий ташкилотининг аъзоси бўлган Маҳмуд Абу Зайд Усмон исмли шахс мазкур ҳаракатга асос солган (Жамоат Шабоб Муҳаммад). У “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг “Маслаҳат кенгаши”да қарорлар қабул қилинишини тан олмайди. Натижада асосан ёшлардан иборат бўлган ушбу гуруҳни ташкил этди.

1970 йилларда “Шабоб Муҳаммад” ташкилотига асли фаластинлик бўлган Солиҳ Абдуллоҳ Саррия раҳбарлик қилди. Унинг қарашлари Саййид Кутбнинг фикрларига монанд радикал ғоялар асосида 1973 йилда Мисрда нашр этилган “Имон ҳақида рисола” (رسالة الإيمان) номли китобида баён қилинган (Риёд Ҳасан Муҳаррам).

У ҳарбийлар ёрдамида Мисрда мавжуд тузумга қарши исён кўтариш мақсадида режа ишлаб чиқди. Унга мувофиқ, давлат тўнтариши 1974 йил 18 апрелда Қоҳира шаҳридаги Ҳарбий-техника академия биносини эгаллашдан бошланиши керак эди. Саррия ушбу академиянинг айрим талабалари онгини аллақачон эгаллашга эришган бўлиб, талабалар ёрдамида академияга бостириб киради ва қурол-аслаҳа омборини қўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ ҳарбийлар томонидан уларга қаттиқ қаршилик кўрсатилади ва ушбу амалиёт муваффақиятсизликка учрайди. Бу тўқнашув натижасида 24 нафар киши ҳалок бўлиб, 34 нафари жиддий жароҳат олди. Саррия

**Аннотация.** Мақолада Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган “Шабоб Муҳаммад”, “ат-Такфир вал-ҳижра”, “ал-Жамоат ал-исломия”, “ал-Жиход” ҳамда Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда фаолияти кузатилган “Ҳизбут-таҳрир ал-исломий” каби диний-сиёсий ташкилотларнинг фаолият услублари, йўналишлари, гояларининг ўзаро боғлиқлиги қиёсий очиб берилган. Унда “Мусулмон биродарлар”нинг нафақат Мисрда, балки бошқа давлатларда шу ном билан боғлиқ гуруҳлар ёки уларнинг йўналишига мос, аммо номланиши турлича бўлган уюшмалар таркибида ҳам фаолият олиб боргани кўрсатиб ўтилган.

“Мусулмон биродарлар”нинг таркибий тузилмаси замонавий террорчи ташкилотлар учун ўзига хос намунага айлангани ҳам таҳлиллар орқали ёритилган. Шунингдек, “Мусулмон биродарлар” ҳаракати Жазоир, Судан, Сурия, Кувайт, Ливан, Тунис, Иордания, Ливия, Покистон каби давлатларда экстремистик ва террорчи ташкилотлар пайдо бўлишига ҳам асос бўлиб хизмат қилгани баён қилинган.

**Калим сўзлар:** Мусулмон биродарлар, Шабоб Муҳаммад, ат-Такфир вал-ҳижра, ал-Жамоат ал-исломия, ал-Жиход, Марказий Осиё, Ҳизбут-таҳрир ал-исломий

**Abstract.** The article comparatively reveals the interdependence of the following religious-political organizations' activities, directions, ideas, in particular, “Shabab Muhammad”, “al-Takfir wal-hijra”, “al-Jamaat al-islamiyya”, “al-Jihad” formed under the influence of “Muslim Brotherhood” in Egypt, and “Hizb at-tahrir al-islami” whose activity was observed in the Central Asian region, in particular in Uzbekistan. It shows that the “Muslim Brotherhood” was active not only in Egypt, but also in other countries as part of groups related to the same name or associations that correspond to their direction, but with different names.

The article also analyzes the fact that the structure of the Muslim Brotherhood has become a unique model for modern terrorist organizations. It was also stated that the “Muslim Brotherhood” movement served as a basis for the emergence of extremist and terrorist organizations in countries such as Algeria, Sudan, Syria, Kuwait, Lebanon, Tunisia, Jordan, Libya, and Pakistan.

**Keywords:** Muslim Brotherhood, Shabab Muhammad, al-Takfir wal-hijra, al-Jamaat al-islamiyyah, al-Jihad, Central Asia, Hizb at-tahrir al-islami.

**Аннотация.** В статье представлен сравнительный анализ деятельности, методов работы, направлений, взаимообусловленности идей таких религиозно-политических организаций, как “Шабоб Муҳаммад”, “ат-Такфир валь-хиджра”, “Аль-Джамаат ал-исламия”, “Аль-Джихад”, сформировавшихся под влиянием “Братьев-мусульман” в Египте, а также “Хизб ат-таҳрир аль-ислами”, деятельность которой наблюдалась в Центральноазиатском регионе, в частности в Узбекистане. “Братья-мусульмане” действовали не только в Египте, но и в других странах в составе групп с одним и тем же названием или объединений, соответствующих их направлению, но с разными названиями.

В статье также анализируется тот факт, что структура “Братьев-мусульман” стала уникальной моделью для современных террористических организаций. Было установлено, что движение “Братья-мусульмане” послужило основой для возникновения экстремистских и террористических организаций в таких странах, как Алжир, Судан, Сирия, Кувейт, Ливан, Тунис, Иордания, Ливия, Пакистан.

**Ключевые слова:** Братья-мусульмане, Шабоб Муҳаммад, ат-Такфир валь-хиджра, аль-Джамаат аль-исламия, аль-Джихад, Центральная Азия, Хизб ат-таҳрир аль-ислами.

ва унинг тарафдорлари қўлга олинди. Миср ҳукумати томонидан уларнинг айримларига узок муддатли қамоқ жазоси берилди, баъзилари эса қатл этилди.

Айнан ушбу воқеадан сўнг, “Шабоб Муҳаммад” ташкилоти “Ҳарбий-техника академия гуруҳи” (جماعة كلية الفينة العسكرية) деб ҳам номланган (<http://soutelomma.org/NewsDetails.aspx?NID=3654>). 1980 йилда “Шабоб Муҳаммад” ҳаракатининг фаолияти қатъий таъқиқланди.

1. “Ат-Такфир вал-ҳижра” (“Куфрда айблаш ва ҳижрат қилиш”, التكفير والهجرة) ёки “Жамоат ал-муслимин” (“Мусулмонлар жамоати”) террористик ташкилоти 1967

йилда юзага келган. Унинг пайдо бўлиши 1954 йили Миср Президенти Жамол Абдул Носирга уюштирилган суиқасд иши юзасидан ҳибсга олинган “Мусулмон биродарлар” аъзоларига бориб тақалади (Мониъ ибн Ҳаммод ал-Жуханий, 2003:333).

## МУҲОКАМА

“Ат-Такфир вал-ҳижра” оқимининг асосий гояларини 1942 йил Мисрнинг Асиют вилоятида туғилган Шукрий Аҳмад Мустафо томонидан ишлаб чиқилган. Баъзи манбаларда унинг 1937 йилда туғилгани қайд этилган (Коровиков А.,